

Зухриддин Каххаров
Тошкент молия институти

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ СУБЪЕКТЛАРИДА
ХАРАЖАТЛАРНИ ГУРУХЛАШ УСУЛЛАРИ (“ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ МИСОЛИДА)**

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида электр энергиясининг асосий етказиб берувчиларидан бири ҳисобланувчи “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан электр энергиясини етказиб бериш ва операцион фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби ва уларни таснифлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз боради. Ўзбекистонда электр энергиясини ишлаб чиқарувчилардан олиб, охирги истеъмолчиларга етказиб берувчи бўлган “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти ва унинг худудлардаги корхоналарига энергияни етказиб бериш вазифасини “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ амалга оширади. Мақолада, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ харажатлари, хусусан электр энергиясини сотиб олиш ва етказиб беришдаги харажатлари (таннархи) ҳамда бошқа харажатларининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби очиб берилган, хулоса ва таклифлар келтирилган.

Таянч сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, бухгалтерия ўтказмаси, таннарх, харажат, операцион харажатлар, электр энергияси, давр харажатлари.

Zuhriddin Kahharov
Tashkent Institute of Finance

**METHODS OF COST CLASSIFICATION IN ELECTRICITY SUPPLY
SUBJECTS (ON THE EXAMPLE OF JSC "NATIONAL ELECTRIC
NETWORKS OF UZBEKISTAN")**

Abstract. This article discusses the procedure for accounting for costs associated with the supply of electricity and operating activities by JSC "National Electric Networks of Uzbekistan", one of the main suppliers of electricity in the Republic of Uzbekistan, and the specifics of their classification. JSC "National Electric Networks of Uzbekistan" is responsible for the supply of electricity in Uzbekistan from producers to suppliers to the final consumers of the joint-stock company "Regional Electric Networks" and its enterprises in the regions. The article describes the procedure for accounting for costs of JSC "National Electric Networks of Uzbekistan", in particular, the cost of purchase and delivery of electricity (cost) and other costs, provides conclusions and recommendations.

Key words: accounting, accounting transfer, cost, expenses, operating expenses, electricity, current expenses.

Кириш

Электр энергиясининг узилиши, айниқса, йирик авария натижасида катта ҳудудларнинг энергиясиз қолиши (“Блекаут”) мамлакатларга мисли кўрилмаган иқтисодий заарар етказади. 2022-йининг 25 январ куни Марказий Осиё ягона электр тармоғида катта авария рўй бериб, Ўзбекистон, Қозогистон жануби ва Қирғизистонда кенг миқёсли электр узилишлари [1] юз берганинг гувоҳи бўлдик. Бундай йирик аварияларнинг олдини олиш

учун энергия генерация объектларида ишларни хавфсиз йўлга қўйиш, магистрал ва худудий тармоқнинг мутаносиб ишлашини таъминлаш бўйича юқори даражадаги техник ишларни узлуксиз амалга ошириб бориш зарур.

Ушбу “Блекаут” дан кейин Ўзбекистонда магистрал электр тармоқлари тизимини ривожлантириш, унинг ишончлилиги ва хавфсизлигини ошириш, тизимли аварияларнинг олдини олиш, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини электр энергияси билан барқарор таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки иштирокида “Электр энергетика секторини трансформация қилиш ва барқарор электр узатиш” лойиҳасини амалга ошириш ҳамда республика магистрал электр тармоқлари тизимини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди [2].

Жаҳон банки директорлар кенгаси томонидан 2021 йил 25 июнда инвестиция лойиҳаларини Халқаро тараққиёт уюшмасининг 330 млн АҚШ долларига тенг имтиёзли ва 50 млн АҚШ долларига тенг имтиёзиз кредитлари; Яшил иқлим жамғармасининг 43 млн АҚШ долларига тенг имтиёзли кредити ва 4 млн АҚШ долларига тенг грант маблағлари ҳисобига молиялаштириш келишилган [2].

Мамлакатимиздаги асосий электр энергияси етказиб берувчиси бўлган “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти бошқарувида бугунги қунда 23 та корхона мавжуд бўлиб [3], улар асосий магистрал энергия тармоқларига ишлаб чиқарувчилардан электр энергиясини харид қиласидилар ва “улгуржи истеъмолчи-қайта сотувчи” вазифасини бажарувчи “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятига энергияни етказиб беради. Жамият фаолиятининг асосий мақсадларидан бири этиб магистрал электр тармоқларинининг хавфсиз ва ишончли ишлаб туришини ҳамда истеъмолчиларга электр энергиясини узлуксиз равишда етказиб берилишини таъминлаш белгиланган [4].

Электр энергетика тармоғида рақобат муҳитини ривожлантиришнинг ортга сурилиши ва ёмон инвестициявий муҳитда инвестицияларни жалб қилишнинг сустлиги электр энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш соҳасидаги фаолиятнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини замон талабларидан ортда қолиши келгусида тармоқда йирик аварияларнинг юз бериш хавфини оширади. Бунинг натижасида тармоқнинг катта қисмида тўлиқ эскириб бўлган асосий воситалардан фойдаланиш шароитларида ишлашга олиб келади. Бу эса тармоқда йўқотишларга, электр энергияси таннархининг ошиб кетишига ва бошқа харажатларнинг йириклashiшига сабаб бўлиши табиий.

Бугунги қунда энергия етказиб берувчилар фаолиятига ҳам янги турдаги асосий воситалар кириб келмоқда, чегарадош қўшни давлатлар билан доимий равишда экспорт ва импорт муносабатларига киришилмоқда, халқаро кредит линияларидан соҳани ривожлантириш учун ссудалар жалб этилмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, электр энергиясини етказиб берувчи хўжалик субъектида бухгалтерия ҳисобини, хусусан уларда энергия таннархи

ва бошқа харажатлар ҳисобини самарали йўлга қўйиш ва янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар шарҳи

Халқаро амалиётда бир қанча иқтисодчи олимлар томонидан бухгалтерия ҳисобида харажатлар ҳисоби, хусусан электр энергияси таъминот корхоналарининг харажатлари ва таннарх ҳисоби ўрганилган. Шу билан бирга миллий иқтисодий тараққиёт хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда бу борадаги илмий тадқиқотларда ҳам ўзига хосликлар кузатилади. Айниқса хусусий сектор ва давлат секторининг соҳадаги иштироки асосида бу жиҳат яққол кўзга ташланади.

АҚШлик иқтисодчи олим Алберт Галвейнинг ёзишича, харажатларни ҳисобга олиш - бу операциялар, жараёнлар, бўлимлар ёки маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини аниқлайдиган бошқарув ҳисобининг бир қисми ҳисобланади. Харажатларни ҳисоблаш жараёни материал, меҳнат ва қўшимча харажатларнинг ҳақиқий харажатларини аниқлашга қаратилган бўлади. Бироқ таннархни ҳисоблаш жараёни унинг фикрича, ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш учун ҳар бир иш учун материал, ҳар бир иш учун меҳнат ва ҳар бир иш учун сарфланган қўшимча харажатлар ҳисоби каби оддий жараён эмас. [5]

Грециялик иқтисодчи олимлар Сандра Кохен ва Эфросини Каименаки харажатлар ҳисоби тизими структураси ва ахборот сифати хусусиятларини эмфирик таҳлил қилган. Уларнинг фикрида харажатлар ҳисоби (ёки таннарх ҳисоби) бошқарув ҳисобининг асосини ташкил қиласди. Бошқарув ҳисоби (MAC) одатда тўртта алоҳида хусусиятга эга: харажат ҳақидаги маълумотларнинг батафсил даражаси, хусусиятига кўра харажатларни тақсимлаш усуллари, вариацияларнинг ҳисоблаб чиқилиши ва харажат маълумотларини фойдаланувчиларга тақдим этиш даврийлиги. Корхоналарда харажатлар ҳақидаги батафсил маълумотларнинг мавжудлиги, тафовутларни ҳисоблаш ва ҳисботларни тайёрлаш даврийлиги омиллари харажатларни ҳисобга олиш тузилмаси бошқарув қарорларини қабул қилиш таъсир ўтказади. Бунинг учун маълумотларнинг долзарблиги, аниқлиги, ўз вақтидалиги, фойдаланиш қулайлиги, мослиги, долзарблиги, ишончлилиги ва пухталигига муҳим аҳамият касб этади [6].

Сўнгги йилларда долзарб бўлиб бораётган экологик бухгалтерия ҳисоби бўйича ҳам бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, Тунку Абдул Раҳмон университети бизнес молияси факултети аъзолари Кришна Мурти ва Питер Якоб “Экологик бухгалтерия ҳисоби: харажатлар баҳолаш” деб номланган ўз тадқиқот натижаларини эълон қилган. Уларнинг фикрларига кўра экологик бухгалтерия ҳисобининг асосий элементларини қабул қилиш атроф-муҳитнинг иқтисодиётдаги ролини баҳолашни ва макроиқтисодий масалаларни таҳлил қилишни осонлаштиради. Олимлар ўз тадқиқотлари натижалари сифатида экологик бухгалтерия харажатларининг

таснифлари ва уларга қандай харажатлар олиб борилиши зарурлигини келтирган (1-жадвал) [7].

1-жадвал

Экологик бухгалтерия ҳисобида харажатларнинг таснифланиши [7]

Таснифлар	Экологик бухгалтерия ҳисоби масалалари ва қамрови
Ифлосланишнинг олдини олиш харажатлари	Сувни тозалаш иншоотлари ва бошқа харажатлар билан бир қаторда ҳаво ва сув ифлосланишининг олдини олиш учун сарфланган харажатлар.
Атроф-мухитни муҳофаза қилиш харажатлари	Энергияни тежаш чора-тадбирлари харажатлари, шунингдек, глобал исишни камайтириш чоралари харажатлари.
Чиқиндиларни қайта ишлаш харажатлари	Чиқиндиларни камайтириш ва йўқ қилиш, шунингдек, сувни тежаш, ёмғир сувидан фойдаланиш ва ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган бошқа чора-тадбирлар учун сарфланган харажатлар.
Атроф-мухитни қайта тиклаш харажатлари	Атроф-мухитни тиклаш бўйича операциялар (тупроқ ва ер ости сувларининг ифлосланишини бартараф этиш, атроф-мухитни қоплаш ва бошқалар).
Бошқарув харажатлари	Бошқарув билан боғлиқ атроф-мухитни муҳофaza қилиш харажатлари, шу жумладан атроф-мухитни муҳофaza қилиш тадбирлари ва ISO 14001 сертификатини олиш ва сақлаш билан боғлиқ харажатлар.
Ижтимоий тарғибот тадбирлари харажатлари	Атроф-мухитни муҳофaza қилиш харажатлари ижтимоий тадбирларда иштирок этиш, масалан, атроф-мухитни муҳофaza қилиш билан боғлиқ ташкилотларда иштирок этиш ва бошқалар.
Тадқиқот ва ишланмалар харажатлари	Тадқиқот ва ишланмалар учун атроф-мухитни муҳофaza қилиш харажатлари ва атроф-мухитни муҳофaza қилиш бўйича бизнес фаолияти харажатлари (яшил маҳсулот/атроф-мухит технологиясини лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш харажатлари, экологик ечимлар бизнес харажатлари) ва бошқалар.

Мамлакатимиз ёш иқтисодчи олимларидан Ш.Ҳалилов молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартлари асосида операцион фаолият харажатларини характеристи ва функциялари бўйича таснифлаш асосида қурилиш соҳасининг туб хусусиятларидан келиб чиқиб “Фойда ва заарлар” тўғрисидаги ҳисбот шаклини ишлаб чиқсан. Бунда 1-сонли “Молиявий ҳисботни тайёрлаш” номли бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро стандарти (БХХС) талаблари асосида операцион фаолият харажатларини характеристи ва функцияларига қараб таснифланган [8].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг асосий мақсади мамлакатимизда электр энергияси етказиб берувчи субъектларда харажатларга оид бухгалтерия операцияларининг акс эттирилишини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖда хўжалик операциялари ҳисобини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот жараёнида таққослаш, гурухлаш ва иқтисодий статистик усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Электр энергияси таъминоти субъектлари ўзларининг харажатлари ҳисобини “Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги 54-сонли Низом ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан ташкил этади. Ушбу Низом юридик шахсларнинг, хусусан электр энергияси таъминоти субъектларининг маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқлашнинг ягона методологик асосларини белгилайди. «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖда эса асосий маҳсулот (товар) электр энергияси ҳисобланади.

Юқоридаги Низомда харажатларни гурухлаш ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг асосий қоидалари мавжуд. Унинг талабаларини ҳисобга олсан, электр энергияси таъминоти субъектларида барча харажатларнинг гурухланиши 2-жадвалда берилган.

2-жадвал

Электр энергияси таъминоти субъектларида барча харажатларнинг гурухланиши [9]

№	Харажатлар гурухи	Харажатлар гурухининг таркиби
1	Товар (электр энергияси) ни етказиб бериш (таннарх) харажатлари	а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар; б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари; с) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан энергияни етказиб беришга боғлиқ бўлган устама харажатлар;
2	Товар (электр энергияси) ни етказиб бериш (таннарх) харажатлари таркибига киритилмайдиган, бирок асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинадиган ҳамда давр харажатларига киритиладиган харажатлар	а) сотиш харажатлари; б) бошқариш харажатлари (маъмурий сарф-харажатлар); с) бошқа операцион харажатлар ва заарлар;
3	Электр энергияси таъминоти корхонасининг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки заарларни ҳисоблаб чиқишида ҳисобга олинадиган хўжалик юритувчи субектнинг молиявий фаолияти бўйича харажатлари	а) фоизлар бўйича харажатлар; б) хорижий валюта билан операция бўйича салбий курс тафовутлари; с) кимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш; д) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар;

Юқоридаги жадвалда электр энергияси таъминоти субъектларида барча

харажатларнинг 3 та гурухга бўлиниши берилган бўлиб, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот шаклидан фарқли жиҳатлари мавжуд. Яъни хўжалик субъектида фойда солиги харажатини ҳам алоҳида харажатлар гурухи сифатида 4-гурухни ташкил қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Товар (электр энергияси) ни етказиб бериш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қўйидаги элементлар билан гурухларга ажратилади:

- энергияни етказиб беришда моддий харажатлар;
- электр энергиясини етказиб бериш билан бевосита боғлиқ бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- электр энергиясини етказиб бериш билан бевосита боғлиқ бўлган меҳнатга ҳақ тўлашга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- энергияни етказиб беришдаги асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
- электр энергиясини етказиб бериш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, электр энергияси энергия етказиб беручи хўжалик субъектларида товар сифатида қаралади. Бунда ушбу товар (электр энергияси) моддий кўринишга эга бўлмаган товар ҳисобланади. 54-сонли Низом қоидаларини қўллашда энергияни етказиб беришда моддий харажатлар деганда гарчи электр энергияси моддий шаклга эга бўлмаса ҳам ишлаб чиқарувчига унинг учун тўланган суммалар моддий харажатлар деб қаралиши лозим. Чунки ишлаб чиқарувчидан электр энергияни кейинчалик сотиш мақсадида сотиб олиш чиқимлари энергия таннархи асосини ташкил этиб, унинг таркибиға киритилади.

Энергияни етказиб бериш характеристига эга бўлган ишлар ва хизматлар таннархига, шунингдек таъминотни таъминлаш бўйича айrim операцияларни бажариш, асосий фаолият билан боғлиқ синовлар ўтказиш, белгиланган технологик жараёнларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, асосий ишлаб чиқариш фондларини тузатиш ва бошқалар киритилиши лозим.

Энергияни транспортировка қилишдаги табиий йўқотишлар ҳам товар (электр энергияси) нинг таннархига қўшилади.

Электр энергиясини етказиб бериш билан боғлиқ бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажарилган нархномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ҳисобланган иш хақи, шу жумладан хўжалик юритувчи субектни мукофотлаш тўғрисидаги низомларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар мансуб бўлади.

“Молиявий ҳисботларни тақдим этиш” деб номланган 1-сонли молиявий ҳисботинг халқаро стандарти (IAS 1) қоидаларига кўра, фойда ва

зараарлар ҳисоботида тан олинган харажатлар таҳлилини уларнинг хусусиятига ёки тадбиркорлик субъектидаги вазифасидан келиб чиқсан таснифлашдан фойдаланган ҳолда тақдим этиши лозим. Бунда усуллардан қайси бири ишончли ва ўринлироқ маълумотларни таъминлашига қараб, танланиши лозим.

Харажатларни таснифлашнинг биринчи усули “харажатнинг хусусияти” бўйича таснифлаш усулидир. Тадбиркорлик субъекти харажатларни фойда ёки заарда уларнинг хусусиятига (масалан, эскириш, хом-ашёлар хариди, транспорт харажатлари, ходимларга ҳақ тўлаш ва реклама харажатлари) қараб бирлаштиради ва уларни тадбиркорлик субъектидаги функциялар бўйича қайта тақсимламайди. Харажатнинг хусусияти бўйича таснифлаш усулини қўллаган ҳолда таснифлашга мисол З-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Харажатнинг хусусияти бўйича таснифлаш [10]

Одатдаги фаолиятдан олинадиган даромадлар	X
Бошқа даромадлар	X
Тайёр маҳсулотлар захираларидағи ва тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар	(X)
Фойдаланилган хом-ашёлар ва материаллар	(X)
Ходимларга ҳақ тўлаш харажатлари	(X)
Эскириш ва амортизация харажатлари	(X)
Бошқа харажатлар	(X)
Жами харажатлар	(X)
Солиққача бўлган фойда	X

Харажатларни таснифлашнинг иккинчи шакли «харажатнинг функцияси» ёки «сотиш таннархи» усули бўлиб, у харажатларни сотиш таннархининг таркибий қисми сифатида уларнинг вазифасига қараб таснифлайди, масалан, сотиш ёки маъмурий харажатлар. Харажатларни уларнинг функцияси бўйича таснифлаш усулига мисол 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Харажатнинг хусусияти бўйича таснифлаш [10]

Одатдаги фаолиятдан олинадиган даромадлар Сотиш таннархи	X (X)
Ялпи фойда	X
Бошқа даромадлар Ялпи фойда	(X)
Сотиш харажатлари	(X)
Маъмурий харажатлар	(X)
Бошқа харажатлар	(X)
Соликкача бўлган фойда	X

Тадбиркорлик субъекти ушбу усул бўйича сотиш таннархини бошқа харажатлардан алоҳида акс эттиради. Ушбу усул фойдаланувчилар учун харажатларнинг хусусияти бўйича таснифланиши усулига нисбатан ўринлироқ маълумотларни таъминлаши мумкин. Бироқ харажатларни вазифаларига қараб тақсимлаш ихтиёрий равишдаги тақсимлашларга олиб келиши ва анча мулоҳазалар қилинишини талаб этиши мумкин.

Маълумки, “Молиявий натижалар тўғрисида” ги ҳисбот 2-сонли шаклдаги даромадлар ва харажатлар Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ гурухланади (5-жадвал).

5-жадвал

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот (2-сонли шакл) [11]

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди
Маҳсулот (товар ва иш, ҳизмат) ларни сотишдан соғ тушум	010
Сотилган маҳсулот (товар ва иш, ҳизмат) ларнинг таннархи	020
Маҳсулот (товар ва иш, ҳизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	030 (010-020)
Давр харажатлари	040 (050+060+070)
Сотиш харажатлари	050
Маъмурий харажатлар	060
Бошқа операцион харажатлар	070
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	100 (030-040+090)
Молиявий фаолият даромадлари	110
Молиявий фаолият бўйича харажатлар	170 (180+190+200+210)
Умумхўжалик фаолияти	220 (100+110-170)
Фавқулодда фойда ва заарлар	230
Солик тўлангунга қадар фойда	240 (220 +/-230)
Фойда солиги	250
Фойдадан бошқа соликлар ва мажбурий тўловлар	260

Ўзбекистонда хўжалик субектлари ўзларининг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботларини харажатларни таснифлашнинг иккинчи шакли «харажатнинг функцияси», яъни «сотиш таннархи» усулида тузадилар.

6-жадвал

**“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖНИНГ 2021-йил
9 ойлик молиявий натижалари динамикаси [12]**

Кўрсаткичлар номи	2021-йил 1-чорак	2021-йил 2-чорак	2021-йил 3-чорак
Товар (электр энергияси) ни сотишдан даромад	5 091 195	9 534 561	13 929 115
Товар (электр энергияси) таннархи	5 265 905	9 819 563	14 759 849
Товар (электр энергияси) ни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	- 174 710	- 285 002	- 830 734
Давр харажатлари	64 572	132 713	245 390
Сотиш харажатлари	16 996	18 910	27 322
Маъмурий харажатлар	10 669	23 547	37 051
Бошқа операцион харажатлар	36 906	90 254	181 016
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	25 196	45 381	62 621
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	- 214 086	- 372 334	- 1 013 503
Молиявий фаолият даромадлари	23 962	68 898	79 316
Молиявий фаолият бўйича харажатлар	35 490	118 602	161 653
Умумхўжалик фаолияти	- 225 614	- 422 038	- 1 095 840
Солиқ тўлангунга қадар фойда	- 225 614	- 422 038	- 1 095 840
Фойда солиги	0	0	0
Ҳисобот даврининг соф фойдаси	- 225 614	- 422 038	- 1 095 840

Бироқ фойда солиги солиш мақсадида хозирда амалга бўлиб турган фойда солиги ҳисотининг (7-жадвал) ҳисоб-китобига 2-илова харажатлар варафи 2 қисмдан иборат бўлиб, унинг 1-қисмида хўжалик субъектининг ҳисобот давридаги харажатларининг хусусиятига кўра таркиби, 2-қисмида эса харажатларнинг функциясига кўра таркиби келтирилади.

7-жадвал
“Фойда солиғи” ҳисоб-китобига 2-илова: харажатлар [13]

Харажатлар рўйхати	Сатр коди	Харажатлар (зараарлар) суммаси	шундан, чегирилмайдиган харажатлар (зараарлар)
1	2	3	4
Жами харажатлар (020-сатр - 120-сатрлар ийғиндиси), шу жумладан:	010	0,00	0,00
010-сатрига киритиладиган асосий харажатлар*:	x	1,00	
Сарфланган хом ашё ва материаллар (0102, 0103 сатрлардан ташқари)	0101		
Сарфланган ёқилғи харажатлари	0102		
Сарфланган табиий, суюлтирилган газ харажатлари	0103		
Сарфланган электр энергия харажатлари	0104		
Мехнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ижтимоий солиқ бўйича харажатлар	0105	1,00	
Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси	0106		
Қайта сотиш учун сотиб олинган товарлар қиймати	0107		
Бино ва иншоотларни жорий ва капитал таъмираш	0108		
...			

Хўжалик субъектлари фойда ёки заар ҳисботида тан олинган харажатлар таҳлилини уларнинг хусусиятига ёки тадбиркорлик субъектидаги вазифасидан келиб чиқсан таснифлашдан фойдаланган ҳолда, бунда қайси бири ишончли ва ўринлироқ маълумотларни таъминлашига қараб, тақдим этиши лозимлиги ҳамда амалдаги фойда солиғи шаклини тўлдириш талабларини иборатга олиб, электр энергияси таъминоти корхонаси харажатларни таснифлашнинг ҳам “харажатлар хусусияти”, ҳам “харажатлар функцияси” усувларида олиб бориш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар

Электр энергияси таъминоти субъектларининг таннархи, электр энергияси таъминотидаги харажатлар бўйича ҳисоби ва уни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини ўрганиб, қуидаги хулоса ва таклифларимизни келтирмоқчимиз:

1. Электр энергияси энергия етказиб беручи хўжалик субъектларида товар сифатида қаралади. Бунда ушбу товар (электр энергияси) моддий кўринишга эга бўлмаган товар ҳисобланади. 54-сонли Низом қоидаларини қўллашда энергияни етказиб беришда моддий харажатлар деганда гарчи электр энергияси моддий шаклга эга бўлмаса ҳам ишлаб чиқарувчига унинг учун тўланган суммалар моддий харажатлар деб қаралиши лозим. Чунки ишлаб чиқарувчидан электр энергияни кейинчалик сотиш мақсадида сотиб олиш чиқимлари энергия таннархи асосини ташкил этиб, унинг таркибиға киритилади.

2. Ўзбекистонда хўжалик субъектлари ўзларининг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисботларини харажатларни таснифлашнинг иккинчи шакли «харажатнинг функцияси», яъни «сотиш таннархи» усулида тузадилар. Бироқ фойда солиги солиши мақсадида ҳозирда амалга бўлиб турган фойда солиги ҳисботининг ҳисоб-китобига 2-илова харажатлар вараги 2 қисмдан иборат бўлиб, унинг 1-қисмида хўжалик субъектининг ҳисбот давридаги харажатларининг хусусиятига кўра таркиби, 2-қисмида эса харажатларнинг функциясига кўра таркиби келтирилади. Буни ҳисобга олиб, электр энергияси таъминоти корхонаси харажатларни таснифлашнинг ҳам “харажатлар хусусияти”, ҳам “харажатлар функцияси” усулларида олиб бориш зарур, деб ҳисоблаймиз.

3. Электр энергияси таъминоти субъектларида барча харажатларнинг 3 та гурухга бўлиниши берилган бўлиб, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот шаклидан фарқли жиҳатлари мавжуд. Яъни хўжалик субъектида фойда солиги харажатини ҳам алоҳида харажатлар гурухи сифатида 4-гурухни ташкил қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Bugun soat 10:57 da markaziy osiyo yagona elektr tarmog‘ida katta avariya bo‘lishi oqibatida elektr energiya ta’motida o‘chishlar yuzaga keldi”. (2022). O’zbekiston Respublikasi Energetika vazirligi. <https://minenergy.uz/uz/news/view/1724>

2. “Jahon banki ishtirokida ‘Elektr energetika sektorini transformatsiya qilish va barqaror elektr uzatish’ loyihasini amalga oshirish hamda Respublika magistral elektr tarmoqlari tizimini rivojlantirish va uning samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori. (2022). O’zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori. <https://lex.uz/ru/pdfs/5849837>

3. “O’zbekiston milliy elektr taqmoqlari” AJ. (2022). Quyi tashkilotlar. <https://www.uzbekistonmet.uz/oz/lists/view/19>

4. O‘zbekiston Respublikasida elektr energetika tarmog‘ini yanada rivojlantirish va isloh qilish strategiyasi to‘g‘risida. (2019). O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori. 07.02.2017. <https://lex.uz/docs/3107036>
5. Galway, A. (1991). Process Cost Accounting – Methodology. Management Decision, 29(7). <https://doi.org/10.1108/00251749110007210>
6. Cohen, S., & Kaimenaki, E. (2011). Cost accounting systems structure and information quality properties: an empirical analysis. Journal of Applied Accounting Research, 12(1), 5–25. <https://doi.org/10.1108/09675421111130586>
7. Moorthy, K., & Yacob, P. (2013). Green Accounting: Cost Measures. Open Journal of Accounting, 02(01), 4–7. <https://doi.org/10.4236/ojacct.2013.21002>
8. Sherzod Khalilov. Qurilish tashkilotlarida operatsion faoliyat hisobi va tahlilini takomillashtirish. Avtoreferat. Toshkent moliya instituti. (2022).
9. Mahsulot (ishlar, xizmatlar)ni ishlab chiqarish va sotish xarajatlari tarkibi hamda moliyaviy natijalarni shakllantirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida. 54-sonli nizom 05.02.1999. O‘zbekiston Respublikasi qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi. <https://lex.uz/docs/-264422>
10. Fiume, R., Onesti, T., Alessio Acunzo, G., & van der Tas, L. (2021). The IASB proposals on the recognition of regulatory assets and regulatory liabilities in the IFRS financial statements. FINANCIAL REPORTING, 1, 119–126. <https://doi.org/10.3280/fr2021-001005>
11. Moliyaviy hisobot shakllari va ularni to‘ldirish bo‘yicha qoidalarni tasdiqlash to‘g‘risida. O‘zbekiston Respublikasi Moliya Vazirining Buyrug‘i. 1209-соҳ 24.01.2003.
12. “O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” AJning 2021-yil 9 oylik moliyaviy natijalari dinamikasi. (2021). “O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” aksiyadorlik jamiyati. <http://openinfo.uz/ru/reports/16759/>
13. Soliq hisobotining shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida. (2020). O‘zbekiston Respublikasi Davlat Soliq Qo‘mitasining Qarori. 24.02.2020. <https://lex.uz/docs/-4745555>